

Ақийда дарслари (45-дарс). Иймоннинг асли тасдиқдан иборат



15:00 / 06.08.2019 5899

Имом Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашича, амал иймондан эмас. Иймон зиёда ҳам, нуқсон ҳам бўлмайди. Чунки иймоннинг асли тасдиқдан иборатдир.

«Ал-Интиқо» номли китобда Абу Муқотилдан қуйидагилар ривоят қилинган:

«Абу Ҳанийфанинг қуйидагиларни айтганини эшитдим:

«Бизнинг наздимизда, одамлар уч манзилдадирлар. Анбиёлар аҳли жаннатдирлар. Анбиёлар кимни аҳли жаннат десалар, ўша ҳам аҳли жаннатдир. Бошқа манзил мушрикларники бўлиб, улар дўзах аҳлидир. Учинчи манзила мўминларники бўлиб, улар ҳақида тўхтаб турамыз.

Улардан бирортасини аҳли жаннат ҳам демаймиз, аҳли дўзах ҳам демаймиз. Лекин улар ҳақида умидворлик ва хавфда бўламиз. Худди Аллоҳ таоло айтганидек: «Солиҳ амалга бошқа – ёмонини аралаштирдилар. Шояд, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса», деймиз. Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзи уларнинг орасида ҳукм чиқаради. Биз улар ҳақида умидвор бўламиз, холос. Чунки Аллоҳ азза ва жалла: «Албатта, Аллоҳ Унга ширк келтирмоқни маъфират қилмас. Ундан бошқасида кимни хоҳласа, маъфират қилур», деган. Гуноҳлари ва хатолари туфайли улар ҳақида хавфда бўламиз».

Бу, мусулмонлар жумҳурининг эътиқодидир. Худди шу фикрни Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи «Ал-Фикҳул Акбар»да ҳам зикр қилганлар. Аммо у кишига зулм ўлароқ баъзи ғаразгўйлар «Абу Ҳанийфа Муржиъа мазҳабида бўлган» деган гапни айтганлар. Бу гап улуғ имомга тухматлигига бир неча далиллар бор:

1. Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг ўзлари «Ал-Фикҳул Акбар»да: «Муржиъаларга ўхшаб, яхшиликларимиз мақбулдир, ёмонликларимиз мағфурдир, демаймиз», деган жумлани келтирганлар.
2. Муржиъа мазҳабида бўлган Ғассон номли киши ўз фикрларини айтиб туриб, ёлғондан: «Буларни Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳидан эшитганман, у ҳам Муржиъа мазҳабида эди», дер ва шу тарийқа ўз обрўсини орттирмоқчи бўлар эди.
3. Мўътазилийлар қадар масаласида ўзларига хилоф қилган ҳар бир шахсни «муржиъа» деб атар эдилар. Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи уларга қарши чиққанларнинг катталаридан эдилар.
4. Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи «Амал иймоннинг аслидан эмас» деганлари учун ҳам баъзи муҳолифлар у кишига муржиъалик нисбати берган бўлиши мумкин. Аслида эса ундоқ эмас.
5. Ибн Абдулбарр айтганидек, Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг ҳасадгўйлари кўп эди. Улар у киши ҳақида турли бўлмағур гапларни тарқатар эдилар. Муржиъа ҳақидаги гаплар ҳам ўша ҳасадлар жумласидан бўлиши мумкин.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан